



Ислом Нури

Савол:

1. Шухрат кийими ва чиройли кийим кийишнинг ҳукми нима?
2. Қандай кийимларни шухрат кийими деб айтиш мумкин?

Жавоб:

1. Шухрат кийими харомдир. Ибн Умардан келган ҳадис бунга далилдир: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Кимки дунёда шухрат кийимини кийса Аллоҳ таъоло киёмат куни унга хорлик кийимини кийдиради»**- дедилар. Аҳмад, Абу Довуд ва ибн Можа ривояти. Аммо чиройли кийим кийиш эса жоиздир, бунинг далили ибн Масъуддан ворид бўлган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Қалбида зарра микдорича қибри бор одам жаннатга кирмайди»**- дедилар. Шунда бир киши деди: баъзи бир кишилар борки кийимининг, ковушининг чиройли бўлишини яхши кўради. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Аллоҳ чиройликдир, чиройни яхши кўради. Қибр ҳакни инкор қилиш ва одамларни менсимаслик»** Аҳмад ва Муслим ривояти.

2. Ибнул Кайюм -роҳимауллоҳ- шухрат кийимини бундай таъриф этган: У кийимларнинг энг олийси ва энг пасти. Файзул кодирнинг соҳиби айтади: Энг паст кийимнинг шухрат кийими дейилишига сабаб, уни кийишлик одамларнинг назарларини жалб этганидир.

Ибнул Кайюмнинг сўзлари бу бобда қоидадир. Мода кийимлари ҳам шухрат кийимлари жумласидандир.